# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 11 июль, № 141 (8484) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## САМАРҚАНД ВА ДЕҲЛИ САММИТЛАРИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ ТЎЛИҚ АМАЛГА ОШИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш бўйича миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган ШҲТ бош котиби Чжан Минни қабул қилди.**



Бош котиб давлатимиз раҳбарини сайлов муваффақиятли ўтказилгани ва унда ишончли ғалаба қозонилгани билан самимий қутлади.

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда ташкилотнинг 2022-2023 йиллардаги Самарқанд ва Деҳли саммитларида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт, инновация ва юқори технологиялар, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, экология ва «яшил» технологиялар, туризм ва маданият соҳаларида ҳамда ШҲТ доирасида хавфсизликни таъминлаш борасидаги қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

ШҲТни модернизация қилиш, ташкилот тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, кенг минтақамизда ўзаро ишонч ва шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кузатувчилар миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган ушбу ташкилот бош котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.**

Учрашув аввалида МДҲ бош котиби давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Президенти сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий табриклаб, унга бахт-саодат, мамлакатимиз барқарор тараққиёти ва равнақини таъминлаш йўлида муваффақиятлар тилади.

Сайлов халқаро стандартларга тўлиқ мос ҳолда ўтгани қайд этилди.

Сайловчилар иштирокининг юқори даражаси ҳамда овоз бериш натижалари аҳоли амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурини кенг қўллаб-қувватлаётгани ва унга ишонишидан далолат экани алоҳида таъкидланди.

МДҲ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Ҳамдўстликнинг 40 дан зиёд битимларини имзолади, 24 та соҳавий органларига қўшилди. Куни кеча Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар сайлов органлари раҳбарлари маслаҳат кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Учрашувда кўп томонлама шерикликни кенгайтиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ҚУТЛАДИ

*10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**, Туркманистон Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов**, Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**, Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**, Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**, Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов**, Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**, Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**, Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**, Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**, Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан**, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев**, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур Ол Наҳаён** билан телефон орқали мулоқот қилди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин билан** телефон орқали мулоқот қилди.

Россия етакчиси давлатимиз раҳбарини сайловда қозонилган ишончли ғалаба билан дилдан қутлади.

Алоҳида таъкидланганидек, овоз бериш натижалари Ўзбекистонда мамлакатни янада жадал ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сиёсати халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор кўрсатди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, товар айирбошлаш суръатини давом эттириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Давлат раҳбарлари ишбилармонлар ва ҳудудлар даражасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, фаол гуманитар алмашинувни давом эттириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов билан** телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида Туркманистон етакчиси давлатимиз раҳбарини муддатидан илгари ўтказилган Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий табриклаб, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Парламентлар ўртасидаги алоқалар ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Бўлажак икки томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон билан** телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Тожикистон раҳбари мамлакатимиз етакчисини куни кеча Ўзбекистонда бўлиб ўтган муддатидан илгари Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев билан** телефон орқали мулоқот қилди.

Қозоғистон раҳбари Ўзбекистон етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, унга янги муваффақиятлар, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ошиб бормоқда, муҳим инвестициявий ва гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни янада илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров билан** телефон орқали мулоқот қилди.

Қирғизистон етакчиси давлатимиз раҳбарини куни кеча бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклади. Қайд этилганидек, овоз бериш натижалари мамлакатимиз аҳолиси Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган прагматик сиёсатга ишониши ва уни кенг қўллаб-қувватлашини яққол кўрсатди.

**(Давоми 2-бетда).**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимизда 9 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев ғалаба қозонгани муносабати билан унинг номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда. Табрикномаларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз юксак сиёсий обрўйингизни тасдиқлади, мамлакатни янада жадал суръатда ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларингиз халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатди.

Сизнинг Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги қатъий интилишингизни юксак қадрлаймиз. Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама алоқаларнинг барча йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил кенгайиб бораверади ҳамда минтақавий ва халқаро масалаларда ўзаро мувофиқлашув таъминланади. Бу, ҳеч шубҳасиз, Россия ва Ўзбекистон халқларининг орзу-умидларига мосдир.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат раҳбари сифатидаги ғоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қозонган навбатдаги ғалабангиз муносабати билан Сизни Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Ушбу Президент сайлови натижалари Сиз ҳамда амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатингиз Ўзбекистон халқи томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини кўрсатди. Доно раҳбарлигингиз остида миллий тараққиёт ва тикланиш дастури, ҳеч шубҳасиз, улкан муваффақиятларга олиб келишига ишонаман.

Кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатлари мисли кўрилмаган даражада ривожланди, икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда мустаҳкамланиб бормоқда. Ўртамизда қарор топган намунали амалий муносабатлар ва яқин дўстликни юксак қадрлайман. Сиз билан Хитой — Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклигини изчил ривожлантириш ҳамда мамлакатларимиз ўртасида умумий тақдир ҳамжамиятини барпо этишга янги суръат бағишлашга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бошлаган барча ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Дўст Ўзбекистонга равнақ ва куч-қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев,**

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**,

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**,

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Брифинг

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев сайлов халқаро мезонлар ва стандартлар асосида миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик, шаффофлик, эркинлик ва адолат каби умумэътироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилганини таъкидлади.

Тўртта сиёсий партия ва уларнинг номзодлари ўртасида реал рақобат муҳитида ўтган сайлов Ўзбекистонда эркинлик ва демократия амалда мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин намойиши бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Маҳаллий ва халқаро экспертлар айтиб ўтганидек, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатдан янги, янада юксак поғонага кўтарилди.

→ 2

Мушоҳада

## «МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ»

Ушбу ибора замирида халқимизнинг юксак ишончи, меҳри, фахр-ифтихор туйғулари мужассам.

*Куни кеча халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўзига муносиб раҳбарни танлаб олди. Дастлабки натижаларга кўра, Шавкат Мирзиёев янги муддатга сайловчиларнинг 87,05 фоиз овозини олди. Бу Юртбошимизнинг олиб бораётган фидокорона фаолиятига адолатли баҳо, эртанги кунга юксак ишонч ифодасидир.*

*Президентимизнинг ўтган даврдаги фаолиятини, халқнинг фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини “Менинг Президентим!” асарини ўқиб, теран мушоҳада қиласиз.*

*Китоб — таниқли сиёсатшунос, кўп йиллардан буён мамлакатимиз тараққиётига муносиб хизмат қилиб келаётган миллат фидойиларидан бири, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов қаламига мансуб.*

→ 3

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ҚУТЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Телефон мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Идоралараро мулоқотлар фаол кечаётгани, икки мамлакат ишбилармонлари ва ҳудудлари ўртасидаги алмашинувлар самарали бўлаётгани қайд этилди.

Жорий йил 1 июнь кунидан Ўш шаҳрида Ўзбекистоннинг бош консуллиги ўз ишини бошлади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб бормоқда, автомобилсозлик, энергетика, электротехника ва тўқимачилик тармоқларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қўшма Инвестиция фондининг фаолияти йўлга қўйилди.

Гуманитар соҳада икки мамлакат оқсоқоллари, зиёлилари ва ёшлари иштирокидаги Авлодлар мулоқоти доирасидаги тадбирларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлат раҳбарлари олий даражадаги келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов билан** телефон орқали мулоқотида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркманистон Президенти давлатимиз раҳбарини куни кеча бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан ҳукуматлараро комиссияларнинг йиғилишлари, транспорт, энергетика ва маданият вазирларининг учрашувлари муваффақиятли ўтказилди.

Товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръат билан ортиб бормоқда. Қардош халқларимизни яқинлаштиришга қаратилган муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбарлари ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва амалий шериклик лойиҳаларини илгари суриш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев билан** телефон орқали мулоқотида кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Озарбайжон раҳбари мамлакатимиз етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклаб, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий кун тартибидаги масалаларни икки мамлакат ҳукуматлари даражасида пухта ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Қўшилмаслик ҳаракати ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко билан** телефон орқали мулоқотида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва фаол гуманитар алмашинувни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди.

Беларусь Президенти давлатимиз раҳбарини Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий қутлаб, Ўзбекистонга катта муваффақиятлар ва равнақ тилади.

Ўзаро савдо ҳажми ошиб, тиббиёт, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда амалга оширилаётган лойиҳалар сони кўпайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йилнинг апрель ойида Беларусда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди, май ойида Тошкент шаҳрида биргаликда суратга олинган кинофильм премьераси бўлиб ўтди.

Икки мамлакат етакчилари томонидан Ўзбекистон — Беларусь ҳукуматлараро комиссияси ишини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған билан** телефон орқали мулоқотида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг бўлажак йиғилишига биргаликда ҳар томонлама тайёргарлик кўриш зарурлиги ҳақида сўз борди.

Суҳбат аввалида Туркия Президенти давлатимиз раҳбарини муддатидан илгари Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлади, сайловчиларнинг овоз беришдаги фаол иштирокини ҳамда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, муҳим инвестиция лойиҳалари ва гуманитар дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий** телефон орқали мулоқот қилдилар.

Суҳбат аввалида Эрон раҳбари мамлакатимиз етакчисини куни кеча Ўзбекистонда ўтган муддатидан илгари Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Эрон Президенти ушбу мамлакатнинг Олий диний раҳбари оятуллоҳ Сайид Али Хоманеийнинг саломи ва табрикларини ҳам етказди.

Жорий йилнинг июнь ойида Эронга расмий ташриф якунида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Қабул қилинган «Йўл харитаси»га мувофиқ саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга оширишга киришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Фаол мулоқотларни, шу жумладан, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлар маъмуриятлари даражасидаги алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан билан** телефон орқали мулоқоти давомида фаол ва тизимли сиёсий алоқаларни давом эттириш, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш, ишбилармонлик ва гуманитар ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Венгрия Бош вазири мамлакатимиз етакчисини куни кеча бўлиб ўтган муддатидан илгари Президент сайловида қозонилган ишончли ғалаба билан самимий табриклаб, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Жорий йилнинг март ойида Будапешт шаҳрида Ўзбекистон элчихонаси очилди.

Ўзаро савдо ҳажми ошиб бормоқда. Банк-молия бозорига Европанинг етакчи ОТР банки кириб келди.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Инвестициялар портфели жами 1,5 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Телефон мулоқоти чоғида Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида кооперация лойиҳаларини тезлаштириш, гуманитар ва таълим алмашинувларини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбир ишлаб чиқиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев**нинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Ўзбекистон раҳбарини куни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муддатидан илгари Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда ҳамкорлик барча йўналишларда, шу жумладан, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, энергетика, транспорт-логистика, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур Ол Наҳаён билан** телефон орқали мулоқотида кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш, Амирликларнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шайх Мансур Ол Наҳаён Ўзбекистон раҳбарини бўлиб ўтган сайловдаги ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, халқимизга фаровонлик ва равнақ тилади. БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг табриги ва энг эзгу тилакларини ҳам етказди.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Товар айирбошлашнинг ўсиш суръати, қўшма корхоналар ҳамда икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар сони ортаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳалари портфели 4 миллиард доллардан ошиб, «яшил» энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм инфратузилмаси ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

БАА томони Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга оширишда ҳам техник кўмак кўрсатиб келмоқда.

Суҳбат давомида олий даражадаги фаол мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар ҳамкорликнинг йирик лойиҳаларини илгари суриш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

1

— Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказилган муддатидан илгари Президент сайловининг нисбатан қисқа вақт ичида юқори савияда ташкил қилиниши ва халқаро талаблар даражасида ўтказилиши мамлакатимиз сайлов тизими ва мутасадди ташкилотларнинг юксак салоҳияти ва қобилиятини намоён этди, — дейди Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев. — Бу галги Президент сайлови жорий йилнинг 30 апрель куни умумхалқ референдумида қабул қилинган янгиланган Конституция талаблари асосида ўтди. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада кенг ҳамда тўла таъминлаш, миллий сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги моддалар билан бойитилди. Фуқароларимиз сайловда фаол иштирок этиб, эркин овоз бериши билан Ватан тақдири ҳамда келажагига бефарқ эмасликларини кўрсатишди.




Тадбирда Президент сайловини нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби 15 та халқаро ташкилотдан, шунингдек, 47 та хорижий давлатдан жами 800 нафарга яқин халқаро кузатувчилар ва 1 минг 400 нафар маҳаллий ҳамда хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари бевосита кузатиб, ёритиб борди.

Шунингдек, сайловда иштирок этган сиёсий партиялардан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 53 минг 677 нафар вакил ҳам сайловни бевосита кузатиб турди.

Сайловчилар рўйхатига киритилган 19 млн. 593 минг 838 нафар сайловчидан муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда, 15 миллион 651 минг 405 нафар сайловчи қатнашди. Бу сайловчилар умумий сонининг 79,88 фоизи, деганидир. Бунда Жиззах вилояти сайловчилари республикада энг юқори фаолликни (85,28 фоиз) кўрсатган бўлса, энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида, яъни 72,97 фоизни ташкил қилгани айтиб ўтилди.

Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи сайлов участкаларининг барчасида сайлов бюллетенлари санаб чиқилди.

Дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Илёсович Иноятовни овоз беришда иштирок этган умумий сайловчиларнинг 4,02 фоизи, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робахон Анваровна Маҳмудовани 4,43 фоизи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевни 87,05 фоизи, шунингдек, Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Абдушукур Худойқулович Ҳамзаевни 3,74 фоизи ёқлаб овоз берган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини, яъни 50 фоиздан ортиқ овоз олган номзод Президент этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Мазкур маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, 2023 йил 9 июль куни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев энг кўп овоз олиб, муқобиллик асосида ўтган сайловда ишончли ғалаба қозонди.

Анжуманда таъкидланганидек, “ҳақиқий эмас” деб топилган сайлов бюллетенлари сони 117 минг 889 тани ёки 0,76 фоизни ташкил қилган. Шу билан бирга, Президент сайлови бўйича сайловга доир қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар келиб тушмаган.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Олий суд, Бош прокуратура, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, “Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” ННТ, Ўзбекистон волонтёрлар ассоциацияси, Халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари иштирокида брифинглар уюштирилиб, уларда ОАВ вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча маълумот тақдим этилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мулоқот

# БАРЧА ТОИФА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши Торағаси ўринбосари Нурланбек Азигалиев бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.*

Мулоқот чоғида халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган меҳмонлар сайловга пухта тайёргарлик кўрилгани ва сайловчиларнинг юқори даражада хабардорлигини таъкидлади. Улар бунга Тошкент шаҳри ва вилоятидаги кузатувлари давомида гувоҳ бўлганликларини билдирди. Бу сайловнинг очиқ ва демократик тарзда ўтишини таъминлади. Айниқса, сайлов давомида элликдан ортиқ сайлов участкаларида синов тариқасида электрон овоз бериш амалиёти жорий этилгани алоҳида таъкидланди. Овоз бериш жараёнида барча тоифадаги фуқаролар, хусусан, кексалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва бошқаларнинг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиши тўлиқ таъминланди.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорликнинг устувор йўналишини, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда парламент дипломатияси имкониятларидан фойдаланиш масалаларини муҳокама қилди.

Томонлар ўзаро қизиқиш уйғотган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Д. Тошмуҳамедова Австрия парламенти Миллий кенгаши депутати, “Австрия — Марказий Осиё” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Эва Эрнст-Дзедзич билан учрашди.*

Учрашувда 9 июль куни муддатидан илгари бўлиб ўтган Президент сайлови жараёнлари қизғин муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Эва Эрнст-Дзедзич мамлакатимизда Президент сайлови муваффақиятли ўтганини қайд этиб, овоз бериш куни у Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлгани, сайловчилар кўплиги ҳамда уларнинг аксариятини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил қилганини алоҳида эътироф этди.

Д. Тошмуҳамедова Эва Эрнст-Дзедзичга Ўзбекистонда Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида фаол қатнашгани учун миннатдорлик билдириб, кейинги йилларда ўзаро ҳурмат ва дўстликка асосланган Ўзбекистон — Австрия муносабатлари ижобий динамика намоён этаётганини таъкидлади.

Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, таълим, иқтисодиёт, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

**«Халқ сўзи».**

# «МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ»

## Ушбу ибора замирида халқимизнинг юксак ишончи, меҳри, фахр-ифтихор туйғулари мужассам.




← 1 Аввало, асарнинг номи ҳақида. Қарийб бир ярим аср мобайнида мустамлака ҳолида яшаган, ўз миллий давлатчилигидан маҳрум этилган халқ вакили сифатида бугун: “Менинг Президентим!” дея баралла айтиш ҳар бир Ўзбекистон фуқароси кўнглида фахр-ифтихор туйғусини жўш урдиради.

Давлат раҳбари фаолиятига халқ баҳо беради. Шу боис китобда кўтарилган масалаларга муаллиф халқ номидан, унинг бир вакили сифатида ёндашади. Асарнинг номи ҳам халқ фикрини ифодалайди.

Китобдан ўрин олган мақолалар, мушоҳадалар, талқинлар 2017 — 2021 йиллар мобайнида ёзилган ва ўз вақтида матбуотда эълон қилинган.

“Мард элга қайишади” мақоласи 2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси таъсирида битилган. Унда ўша пайтда сиёсатда янгилик бўлган Мурожаатнома шаклининг мазмуни очиб берилади. Муаллиф ушбу йил тўла маънода инқилобий янгиланишлар, инсонни эъзозлаш, одамлар қалбига йўл топиш даври бўлганини қайд этади.

“Ўзбекистон баҳори” мақоласида Наврўз талқинлари фонида Ўзбекистон ҳаётида ҳам чинакам баҳор бошлангани эътироф қилинади. Инновация бугунги сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланганини таъкидланади, давлат идоралари халқ билан бевосита мулоқотга киришгани, энди одамлар банклар эшикларини эмас, банклар фуқаролар эшикларини қоқа бошлагани, турли даражадаги раҳбарлар халқ олдига келиб, аҳвол сўрашни одат қилгани, кластерлар тизими жорий этилаётгани ва ҳоказо янгиликлар таҳлилга тортилади ва уларнинг аҳамияти кўрсатилади.

“Янгиланаётган Ўзбекистон: тарихни кучлилар яратади” таҳлилий чиқишида аввалбошдан бир муҳим масала кўндаланг қўйилади: *“...янгиланаётган Ўзбекистон динамикаси ўтмиш хатоларини титкилаб обрў топишни эмас, одамларнинг бугунги кунини фаровон қилишни назарда тутиши билан ҳам аҳамиятлидир”.* Муаллиф Шавкат Мирзиёевнинг: *“Одамлар эртага эмас, узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак!”* деган ақидани ҳаётий принципга айлантирганини таъкидлайди. Лекин бу — айтишгагина осон гап. Уни амалга ошириш учун эса буни давлат сиёсатининг мағиз-мағзига сингдириш талаб этилади. Шундай қилиняпти ҳам.

“Илк ва сўнгги сўзимиз: Ватан!” эссесида миллийлик масаласи қаламга олинган. Унда миллий ғоя ва мафкура бугун сув билан ҳаводек зарурлиги уқтирилади. Бунинг замирида эса, табиийки, ватанпарварлик ётибди. Чунки бугун энг қудратли дея эътироф этиладиган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой, Россия, Туркия, Япония каби давлатлар сиёсати ҳам бир миллий ғоя устига қурилган. Шу маънода, муаллиф бугунги Ўзбекистоннинг мавқеи фақат мамлакатимиз тақдири билангина боғлиқ масала эмаслигини ўртага қўяди. Бунинг учун XX асрнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинскийнинг XX аср 80-йиллари охирида минтақамиз вазиятига баҳо бериб айтган: “Ўзбекистоннинг мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эга”, деган фикрига таянади.

“Марказий Осиё: асрий орзулар рўёби” мақоласида Ўзбекистоннинг 2017 — 2019 йилларда изоляциядан чиқиш сиёсатини амалга оширгани ҳақида сўз боради. Муаллиф *“1991 ва 2017 йиллар орасида атиги бир киши оқланган бўлса, кейинги уч йилда 1 минг 705 нафар инсон янги ҳукумат сиймосида адолат қуёшини кўргандай бўл”*ганини, *“2017 йилга қадар ўтган 10 йилда юртимизга 14 миллион сайёҳ келган бўлса, кейинги уч йилда улар сони 15 миллиондан ошиқни ташкил эт”*ганини ёзади. Бу очиқлик сиёсати нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиз аҳолиси ҳаётида, қолаверса, дунё сиёсатида муҳим янгиланиш ясагани билан ғоятда аҳамиятли экани таъкидланади.

“Минтақа баҳори”да эса “Президент Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуслари Марказий Осиё ҳаётига кўклам нафасини олиб кирди” деган қайд билан берилган. Мақолада давлатимиз раҳбари олиб бораётган янгича сиёсат моҳияти атрофлича таҳлил қилинади. Муаллиф икки масалани ўртага қўйган. Биринчиси — узоқ йиллардан бери беҳаловат ҳаёт давом этаётган қўшни Афғонистонда тинчлик-осойишталик ва барқарорлик ўрнатиш, иккинчиси — мамлакатимизда камбағалликни камайтириш сиёсатини изчил амалга ошириш.

Бу икки масала юзаки қарагандагина бир-бирига алоқаси йўқдек туюлиши мумкин. Амалда эса улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Муаллиф: *“Шу икки йўналиш, ўйлайманки, нафақат Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ўзида акс эттириши билан, балки бутун бир минтақа ҳаётига дохиллиги билан ҳам ажралиб туради. Қолаверса, бу “миллий концепция” Ўзбекистоннинг ташқи имижига ҳам ижобий таъсир этади”,* деб ёзади.

Марказий Осиё минтақаси халқларини порлоқ келажак кутмоқда. Бу — Жануб билан тиғиз иқтисодий-ижтимоий алоқаларни ўрнатиш орқали амалга ошадиган эзгу ғоя. Чунки, тўғри таъкидланганидек, ҳар қандай давлатнинг тараққий этиши бугун жаҳон бозорига қай даражада кириб боришига бевосита боғлиқ. Бизни Жанубда жуда катта бозор кутиб турибди. Ахир Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда дунё аҳолисининг бешдан бири, яъни 1,5 миллиард киши истиқомат қилади. Марказий Осиё эса Афғонистонни ҳам қўшганимизда 100 миллион кишилик минтақа. Шу ҳудуднинг марказида Ўзбекистонимиз жойлашган. У амалда минтақадаги қолган беш давлатнинг ҳаммасини ўзаро боғлайди. Бу бизга жуда катта мувофиқлаштириш имконини беради. Бироқ ана шу катта бозорга кириб боришимиз учун Афғонистон йиллар мобайнида ўтиб бўлмас чангалзордай бўлиб ётибди. Агар шу мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилса, у ерда мўътадил муҳит пайдо бўлади, барқарорлик юзага келади, замонавий тараққиёт бошланади.

> ...Китоб мана бундай адолатли сўзлар билан якун топади: *“Бу қарийб юз йил давомида халқ томонидан давлатга берилаётган илк холис баҳо, мафкуралашмаган, оддий ва самимий “Менинг Президентим!” деган каломдир!”*
> Куни кеча бўлиб ўтган сайлов натижалари бу ёрқин ибора ўз мазмун-моҳияти билан одамларимиз қалбидан чуқур жой олганини яна бир бор исботлади...

Қайд этилганидек: *“Президентимиз бошлаган тинчлик йўли эса минтақа иқтисодиёти артериясини қирқ йиллик тиқинлардан тозалаб, Марказий Осиё томирларида худди бир пайтлардагидек “тоза қон” оқишини таъминлайди. Бу ўз кўлами ҳамда натижадорлигига кўра жуда улкан ишдир”.*

Муаллиф, албатта, Афғонистонда тинчлик ўрнатилишининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-тижорий томонларини назарда тутган. Бироқ бунинг улкан маънавий-маърифий аҳамияти ҳам бор. Аввало, кўҳна тарихимиз Афғонистон билан чамбарчас кечган. Кушон давлатини оламизми, сомонийлар ёки ғазнавийлар давлатларини кўзда тутамизми, темурийлар, шайбонийлар давлатларини ўрганамизми — барчасида ўзаро туташ тақдирга дуч келаверамиз.

Хусусан, темурийлар даврида Ҳиротни пойтахт қилган Хуросон давлатининг равнақини, унинг минтақа маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрнини бир тасаввуримизга келтирайлик. Ҳирот амалда темурийлар салтанатининг Самарқанддан кейинги йирик пойтахти эди. Эҳе, бу ерда Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг қандай-қандай буюк маданиятлари шаклланди, равнақ топди, оламшумул ёдгорликлар бунёд этилди?! Биргина адабиёт оламида Мавлоно Лутфий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро), ҳазрат Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайхим Суҳайлий, Камолиддин Биноий, Атоуллоҳ Ҳусайний каби зотлар майдонга чиқди. Лоақал, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий меросини пухта-пишиқ, ҳар тарафлама илмий ўрганиш, уларда тилга олинган макон билан боғлиқ нуқталарни ёритиш учун ҳам мутахассисларимиз Ҳирот кўчаларида қадам-бақадам юриши, шу муқаддас тупроқ чангини ютиши, шу улуғ аждодларимиз қабрларини зиёрат қилиши... керак эмасми?!

Мақолада мамлакатимизда камбағалликни камайтиришга қаратилган янгича сиёсатнинг алоҳида урғу бериб таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Ахир, “камбағал” сўзидан шу қадар қўрқдикки, гўё буни тан олишни уят билдик, ўрнига “кам таъминланган” деган сунъий, китобий бир атама ҳам яратиб олдик.

Сиёсатшунос ҳатто Яқин Шарқ мамлакатларидаги террористик ҳаракатларда Марказий Осиё давлатлари фуқароларининг иштирок этишини ҳам айнан камбағаллик омили билан боғлайди. Чунки ишсиз одам арзимаган ҳар қандай чақа учун юртини, эътиқодини, миллатини сотиб, ёт ғоя тарғиботига қўшилади, қўлига қурол ҳам олади. Бу — жуда ёмон кўргулик. Ахир, тайинли иши, мунтазам ва кафолатли даромади бор, шунга бола-чақасини боқаётган, орзу-ҳавасини кўриб яшаётган кишини ким ҳам йўлдан ура олади?!

“Коронавирус таҳдиди ва бирдамлик симфонияси. Уни биргаликда ижро этишимиз шарт” мақоласи ўз вақтида, яъни мамлакатимизда “тождор” вирус карантини бошланган биринчи ойда битилган. Унда юзага келган мураккаб вазият таҳлил этилиб, давлатнинг бу борадаги позицияси батафсил ёритилган.

“Эзгулик ғалабаси ва тарихий адолат”да эса мамлакатимизда 9 майни нишонлаш билан боғлиқ янги муносабат моҳияти тушунтирилган. 2020 йил шу куни пойтахтимизда Ғалаба боғи очилди. Ундан ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, фронт ортидаги ҳаёт акс этган композициялар ўрин олди. “Шон-шараф” давлат музейида шонли тарихимиз ўз ифодасини топди. *“Мирзиёевнинг фидойилиги ва ватанпарварлиги билан тарихий адолат тикланмоқда. Ўзбек халқининг жасорати қанчалик буюк эканини тарих исботламоқда”.*

“2020 — миллатни улғайтирган йил” мақоласида гап 2020 йилнинг оғир келганидан бошланади: коронавирус пандемияси, халқаро Олимпиада ўйинларининг қолдирилгани, Бухорода содир бўлган шиддатли тўзон, Сардоба тошқини, Сўх воқеалари... Муаллиф юрагида бор гапни очиқ айтади: *“Президент Мирзиёев ўша оғир дамларда, кулфат ва фалокат устимизга ёпирилиб келган дамда мен билган Шавкат Миромоновичдан юз карра кучли, матонатли ва иродали, халқи учун, эли учун жонини беришга тайёр бир ёвқур афсонавий ватан ўғлонидай кўз олдимда намоён бўлди”.* Сўнг бу фикрини қатор факт ва далиллар билан исботлайди ҳам.

Муаллифнинг “Ассалом, янги Ўзбекистон! Буюк тарихий ҳодиса — Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқини тинглаб...” таҳлилий чиқиши эътиборга молик. Материалда нутқнинг мазмуни чуқур таҳлил этилиши билан бирга, халқимиз ва давлатимиз тарихида юз берган муҳим бир янгилик — нуфузли жаҳон минбарида она тилимиз янграгани аҳамияти кўрсатиб берилади.

“Ватан ва миллат қайғуси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан кейинги ўйлар...” мақоласида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб бурилишлар ҳақида сўз боради. У кичик-кичик фасллардан ташкил топган. Улардан бири “Тарихнинг изми шахслар қўлидадир” деб номланади. Аслида, бу — азалий баҳс: тарих шахсларни яратадими ёки шахслар тарихними? Сарлавҳа эса муаллифнинг “Шахслар тарихни яратади”, деган комил ишончини тасдиқлайди. У Шавкат Мирзиёев сиймосида ана шундай шахсни кўради.

“Эзгулик ва бунёдкорлик харитаси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини ўқиб...” таҳлилий чиқишида маълум маънода, биз учун жуда мураккаб кечган 2020 йилга баҳо берилади. У Тошкентда қаттиқ зилзила юз берган 1966 йилга ўхшатилади. Муаллиф Президент ташаббуси билан мамлакатимизда йўлга қўйилган “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва “темир дафтар” тушунчаларининг ҳаётимизда пайдо бўлиши, сингиши, сиёсий лейтмотивга айланиши жараёнларини очиб беради. Қисқа фурсат, яъни атиги тўрт йилда Ўзбекистон эришган энг асосий ютуқлар бирбир саналади. Жумладан, Ўзбекистон раҳбарининг тарихда илк бор БМТ минбарида ўзбек тилида нутқ сўзлагани, мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти)га тўлақонли аъзо бўлгани, миллий ғурур, ўзликни танитиш борасида Президентимиз сиёсати Марказий Осиё минтақаси ҳаётига сезиларли таъсир қилаётгани кўрсатиб берилади.

“Ўзлик сари йўл”да муаллиф мустақилликнинг дастлабки 30 йилга яқин даврида жамият “сийрати” ўзгариши анча қийин кечганини айтиб, буни, бир томондан, ўтиш давридаги маҳдудлик билан боғласа, иккинчи томондан, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувидан қўрққанини важ қилиб кўрсатади. Муаллиф мамлакатимизда давлат тилини жамиятнинг кенг қатламларида жорий этиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни таҳлил қилади.

“Дунё билан бўйлашмоқ истаги” мақоласи Президентимизнинг жаҳон тилларини ўрганишга бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилиши таъсирида қоғозга туширилган. Мамлакатимизда бугун камида 10 та тил ўқитилади. Булар — инглиз, рус, немис, француз, хитой, корейс, япон, турк, араб ва форс тиллари. Аммо *“...тил ўрганиш бугун қанчалик долзарб аҳамият касб этишига қарамай, миллий жамиятлар олдига “глобал таъсир”лардан ҳимояланиш масаласини ҳам кўндаланг қўяётир. Бу, энг аввало, этник хусусиятлар, жумладан, миллий тилни ривожлантириш ва парваришлашни назарда тутади”.*

“Миллатпарвар”ни бефарқ ўқиб бўлмайди. Унда аввал мустабид тузум, кейин ўтиш даврининг мураккаб кечган йилларида халқимизнинг ижтимоий аҳволи қандай бўлгани бирров кўз олдимизда гавдалантирилади-да, сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган ислоҳотлар моҳияти очиб берилади. Чунки унда муаллиф мамлакатимизда одамлар турмушини бошқа қутбга кескин буриб юборган фавқулодда ислоҳотлар тўғрисида ёзишни мақсад қилган. Мақолада Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тизимида “оҳанг” — акцент ўзгаргани ҳаётий мисоллар асосида кўрсатилади. Шу асосда Президентнинг “Миллат лидери” сифатидаги фаолияти ёритилади.

“Менинг Президентим!” фалсафий-публицистик эссеси, узукка кўз қўйгандек, китобнинг хулосаси янглиғ ўқилади. У 2000 йилларда АҚШ Давлат департаменти ахборот бўлими томонидан тайёрланган ҳисоботдаги мана бу қимматли фикрлар билан бошланади: *“Халқ демократик давлатнинг авом раияти эмас, балки фуқаросидир. Қачонки давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилса, бунга жавобан фуқаролар ҳам давлатга нисбатан садоқатли бўлади...”*

Энди мана бу мулоҳазага ҳам эътибор қаратайлик: *“Одамларнинг давлат тушунчасидан қўрқиши, тайсаллаши, бир ҳуқуқшунос дўстимиз кўп такрорлаганидек, халқнинг ҳуқуқий саводи пастлигида эмас, балки халқнинг давлат ҳақидаги тасаввурлари даҳшатли хотиралар билан тўлиб-тошиб кетганида эди”*. Шавкат Мирзиёев зиммасида шу тасаввурни ўзгартириш вазифаси турарди. *“Президент яхши тушунар эдики, бахтсизликка дучор этилган жамият билан кучли ва қудратли давлат қуриб бўлмайди. Қолаверса, давлатнинг асосини ташкил этувчи халқсиз “буюк келажак” ҳақида ўйлашнинг ўзи мантиқсизлик эди”.*

Эссе, демак, ушбу китоб ҳам мана бундай адолатли сўзлар билан якун топади: *“Бу қарийб юз йил давомида халқ томонидан давлатга берилаётган илк холис баҳо, мафкуралашмаган, оддий ва самимий “Менинг Президентим!”* деган каломдир!”

Куни кеча бўлиб ўтган сайлов натижалари бу ёрқин ибора ўз мазмун-моҳияти билан одамларимиз қалбидан чуқур жой олганини яна бир бор исботлади. Халқимизнинг танлови замирида ўз йўлбошчисига — давлат раҳбарига ҳам ишонч, ҳам меҳр, ҳам фахр-ифтихор туйғулари мужассам. Шунинг учун китоб ўқувчи қалбини янада ёритиб юборади, унинг ҳамроҳига, ҳамрозига айланади.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

## ЕХҲТ ДИИҲБ САЙЛОВНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ЎЗ ХУЛОСАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

*Мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган 800 га яқин халқаро кузатувчилар бевосита кузатиб борди. Халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари матбуот анжуманлари ташкил этиб, Ўзбекистондаги сайлов жараёнларини кузатиш натижаларини маълум қилди.*

Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ) сайловни кузатиш миссияси томонидан ҳам матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси вакиллари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси таркибида 220 нафар кузатувчи республикамизнинг турли нуқталаридаги қатор сайлов участкаларида сайловни кузатиш имконига эга бўлдилар. Ҳар бир сайлов участкасида сайловчиларнинг келиши, рўйхатдан ўтиши, бюллетенларни тўлдириши каби барча жараён кузатиб борилди. Овоз бериш жараёнида фуқаролар куннинг биринчи ярмида фаоллик билан иштирок этгани айтилди.

Барча сайлов участкаларида партия вакиллари, маҳалла вакиллари ҳозир бўлиб, жараённинг шаффофлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, миссия вакиллари сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги иштироки кенгаётгани, хусусан, парламент аъзоларининг 29,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу жумладан, сайлов жараёнида ҳам хотин-қизлар яхши иштирок этганини қайд этди.

Таъкидланишича, Марказий сайлов комиссияси сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш ваколатига эга бўлиши баробарида кенг қонуний ваколатлар билан таъминланган. МСК муддат қисқалигига қарамай, сайловга тайёргарликни самарали бошқарди, қонунда белгиланган муддатларга риоя этди. Мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, сайлов жараёнининг турли жиҳатларини батафсил тартибга солиб турди. Шунингдек, МСК мажлисларида МСКга ва қуйи бўғин сайлов органларига келиб тушган мурожаатлар бўйича ҳисоботлар эълон қилиб борилди. Бу эса сайлов жараёнларининг очиқлигини оширади.

Матбуот анжуманида миссия вакиллари томонидан кузатилган айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилди ва қатор тавсиялар берилди.

ЕХҲТ ДИИҲБ сайловни кузатиш миссияси ўз кузатувлари бўйича якуний хулосаларини батафсил тақдим этишларини маълум қилди.

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИЛДИ

*Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси вакиллари иштирокида ҳам матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, 27 нафардан иборат миссия вакиллари юртимизда бўлиб ўтган Президент сайловида иштирок этиб, жараёнларни бевосита кузатиб бориш имконига эга бўлди. Жумладан, кузатувчилар 7 — 9 июль кунлари 40 дан ортиқ сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар ва участка сайлов комиссияси аъзолари билан эркин суҳбат ўтказишди.

Миссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ишларига юқори баҳо берилди. Бунда сайлов комиссияларининг фаолияти, жараёнлардан фуқароларнинг хабардорлигини ошириш, ОАВнинг иштирокини таъминлаш борасидаги ишлар эътиборга молик.

Миссия кузатувчилари сайловда фуқароларнинг фаол қатнашгани, сайлов комиссиялари томонидан юқори тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлишганини эътироф этди. Шунингдек, сайлов жараёнида эътирозлар, ноқонуний ҳолатлар кузатилмагани, қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилмаганини таъкидлади.

Кузатувчилар миссияси вакиллари қайд этганидек, ушбу сайлов Ўзбекистон сайлов қонунчилигига ва халқаро сайлов талабларига мувофиқ ўтказилди. Шунингдек, сайлов жараёнлари очиқ ва шаффоф тарзда ўтди. Кузатувчилар Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар илгарилаганини алоҳида қайд этди.

ШҲТ кузатувчилари сайлов участкалари хусусида тўхталар экан, кутилмаган сайлов участкаларига ҳам боришгани ва халқаро кузатувчилар кутилган сайлов участкалари билан улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини таъкидлади.

Матбуот анжуманида ШҲТ миссияси вакиллари томонидан ушбу сайлов Ўзбекистон келажагини белгилаб бергани, олиб борилаётган ислоҳотлар яна бир қадам олдинга силжишига хизмат қилиши эътироф этилди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР, МУҲИМ ТАШАББУСЛАР, АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор долзарб масалалар қаторида, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

**Фракцияларда**



## Божхона божини тўлашда имтиёзлар берилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари қандай тартибда берилиши бўйича аниқлик киритилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт кийимлари, ашёлари, оёқ кийимлари, спорт анжомлари, жиҳозлар ҳамда ускуналарни Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталари, олимпия ҳамда паралимпия спорт турлари бўйича федерациялар таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан шакллантирилган рўйхат асосида давлат ҳамда нодавлат спорт-таълим ташкилотлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун хориждан импорт қилинганда божхона божини тўлашда 50 фоизга қадар имтиёз берилиши белгиланмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ҳамда тавсияларини билдирди.

Узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг, депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ва нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва улар давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эришилишини эътиборга олиб, уни маъқуллашди.

## Тадбиркорлик қўллаб-қувватланади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар “Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартибининг айрим қоидалари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда солиқ тўғрисидаги қонунчилик талабларини янада соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигининг янги ҳамда самарали воситаларини жорий этиш йўли билан тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш орқали аҳолини ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига бюджет ташкилотларига ижарага берилган ер участкаларидан солиқ ундириш, ижарага берувчи ёки ижарага олувчи томонидан ер солиғини тўлаш, фойдаланилмаётган бинолар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларига нисбатан тегишли солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш тартибини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, ўз фаолиятини шароити оғир туманларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари, электротехника тармоғи корхоналарининг ихтисослаштирилган марказлари учун бир қатор солиқлар (масалан, мол-мулк, ер, айланмадан олинадиган солиқлар) бўйича имтиёзлар берилмоқда.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси солиқ тизимини такомиллаштиришга, бизнес муҳитини яхшилашга, аҳолини қўшимча равишда ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ва уларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилишини эътироф этиб, қонун лойиҳасини маъқуллади.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди.

## Спорт-таълим муассасалари фаолияти янада яхшиланиши зарур

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни ривожлантиришга, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) ҳамда тайёрлашда давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг, шунингдек, нодавлат спорт-таълим хизматларини кўрсатаётган ташкилотлар учун қулай шарт-шароитларнинг яратилишига хизмат қилади.

Йиғилишда фракция аъзолари партия сайловолди дастуридаги мақсад ва ғоялардан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳаси муҳим концептуал ҳужжат эканлиги, ушбу йўналишдаги қонунчиликнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб, ҳар жиҳатдан мукаммал қонун ҳолатига келтирилганлиги алоҳида урғуланди.

Мажлисда депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда кўтарилган саволлар ҳамда таклифлар юзасидан ташаббускорлар ва соҳа мутахассислари томонидан жавоблар олиниб, мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди.

## Лойиҳа таклифлар асосида пишиқ-пухта ҳолатга келтирилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартибининг айрим қоидалари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиляпти. Хусусан, ўз фаолиятини шароити оғир туманларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари, электротехника тармоғи корхоналарининг ихтисослаштирилган марказлари учун бир қатор солиқлар (масалан, мол-мулк, ер, айланмадан олинадиган солиқлар) бўйича имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

— Йиғилишда қонун лойиҳасида белгиланаётган нормаларни атрофлича кўриб чиқдик, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси Ўрол Ўрозбоев. — Эътиборлиси, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани, лойиҳа ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилганини эътироф этиш керак. Киритилаётган ўзгартишлар, албатта, солиқ тизимини такомиллаштиришга, бизнес муҳитини янада яхшилашга, аҳолининг фаровон яшашига хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг муҳимлиги, айниқса, партия электорати манфаатларига мос келиши ҳамда аҳолининг шароитларини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаб, уни бир овоздан маъқуллади.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — “Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

## Кимлар фойда солиғидан озод этилиши мумкин?

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари дастлаб “Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Президентимиз томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Экологик партиясининг дастурида ҳам мамлакатда “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланувчи ва бошқа муқобил энергия манбаларини татбиқ этиш жараёнларини фаоллаштириш борасида алоҳида мақсад ва вазифалар белгилаб олинган.

Соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларга бир қатор солиқ имтиёзлари белгиланмоқда.

Хусусан, умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда умумий тармоққа сотилган электр энергиясидан олинадиган даромадларни фойда солиғидан озод этиш таклиф қилинмоқда.

Шу билан бирга, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахсларни мол-мулк солиғидан, қурилмалар билан банд бўлган ерлар бўйича ер солиғидан озод этиш назарда тутилмоқда.

Ердан оқилона фойдаланиш, кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини қуриш ҳамда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини кенгайтириш мақсадида кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини фойдаланишга топширган тадбиркорларни мол-мулк солиғини пасайтирилган коэффициентларда тўлашга доир имтиёзлар белгилаш кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси Ўзбекистон Экологик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини ўзида акс эттирганлигини инобатга олиб, уни иккинчи ўқишда қўллаб-қувватлади.

*Йиғилишларда фракциялар фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# БИЗ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ

## ҳамда биргаликда фаровон ва адолатли жамият қуришимизга аминмиз

**Хорижий эллардаги ватандошлар 9 июль куни Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш йўлини қўллаб-қувватлади.**

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан, 9 июль куни мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари, консулликлари ва ваколатхоналарида 56 та сайлов участкаси очилди.

Сайлов участкалари маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача фаолият кўрсатди. Сайлов қутиларига биринчи бўлиб Россиянинг Узоқ Шарқида, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Индонезия, Малайзияда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари келишди. Нью-Йорк ва Вашингтондаги дипломатия миссияларида ташкил этилган дипломатик ваколатхоналарда овоз берилиши билан сайлов жараёни якунланди. Ўша пайт Тошкентда 10 июль, соат тонгги 5.00 эди.

Аввалроқ, 28 июндан 5 июлга қадар юқорида қайд этилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш бўлиб ўтди, унинг доирасида қўшимча равишда 906 та кўчма сайлов пункти Ўзбекистон фуқаролари гавжум бўлиб яшайдиган 45 та хорижий давлатнинг ҳудудларида, шу жумладан, бизнинг дипломатия ваколатхоналаримиз мавжуд бўлмаган шаҳарларда ташкиллаштирилди.

Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, хориждаги жами 180729 нафар фуқаромиз муддатидан олдин овоз бериш чоғида ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган. Рўйхатларга ҳаммаси бўлиб чет эллардаги 323 минг 626 сайловчи киритилди.

Сайлов комиссиялари аъзолари фуқароларимиз овоз беришда юқори фаолликни, шунингдек, яққол фуқаролик позицияларини намоён қилишганини қайд этишмоқда. Овоз берганларнинг салмоқли қисмини етакчи хорижий университетларда таҳсил олаётган ёшлар ташкил қилди.

“Дунё” АА мухбирлари айрим юртдошларимиз билан суҳбатда бўлди.



**Жавоҳир ТОЛИБОЕВ, Амстердам университети талабаси (Нидерландия):**

— Сайловлар — муҳим воқеа. Демократия ва танлаш эркинлигига бўлган умумий содиқликнинг тасдиғи. Бироқ бу сайловларнинг аҳамиятини оширадиган қудратли ва истиқболли куч мамлакатимизнинг ёш фуқаролари ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишидир. Ушбу сайловда бизнинг овозимиз жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикрларимиз ва умидларимиз келажакка ишонч билан мустаҳкамланган. Олдимизда янги имконият эшиклари очилмоқда. Муайян қийинчиликларга ҳам рўпара келишимиз эҳтимоли йўқ эмас. Аммо биз биргаликда фаровонлик йўлидаги ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишимизга ишонамиз.

Бу ерда гап фақат Президентни сайлаш ҳақида эмас, балки мамлакатимиз келажаги учун йўлни танлаш ҳақида, ёшларни тушунадиган ва қадрлайдиган, уларни рўй бераётган ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантирган ҳолда миллатимизни умид ва тинчлик бардавом бўлган келажакка олиб борадиган раҳбарни танлаш ҳақида кетмоқда.

Биз мамлакатимизнинг порлоқ келажагига ишонамиз ҳамда биргаликда фаровон ва адолатли жамият қуришимизга аминмиз.



**Ватандошимиз Маҳфуза ҲАСАНОВА (Покистон):**

— Сайлов куни мамлакатимизнинг Покистондаги элчихонасида ўз овозимни бердим. Сайлов участкасида номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари билан танишиш учун барча имконият яратилди.

Мен номзодлар билан яна бир бор танишиб чиқдим ва ўзим муносиб топган номзодни ёқлаб овоз бердим.

Ўйлайманки, берган овозим Ўзбекистоннинг янада равнақ топишига, ёшларнинг келажаги ҳамда мамлакатимизнинг эртанги тараққиётига хизмат қилади.

**Умид ИСМАТУЛЛАЕВ, Нью-Жерси штатининг Довер шаҳрида истиқомат қиладиган ватандошимиз, «Uzbek Society of USA» ўзбек жамияти раҳбари (АҚШ):**

— Она Ватанимиз Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Президент сайловида муддатидан олдин овоз бериш юртдошларимиз зич яшайдиган ҳудудларидан бири бўлган Нью-Жерси штатида Қурбон ҳайити байрамига ҳамоҳанг тарзда ташкил қилингани барчамизнинг фаол иштирокимиз учун катта қулайлик яратди.

Шуни таъкидлашни истардимки, юртдошларимиз бу муҳим сиёсий жараёнда кўтаринки кайфият ва ўзгача иштиёқ билан иштирок этишди. Бу ерда ватандошларимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни мунтазам кузатиб боришади, ҳеч ким юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларга сира бефарқ эмас. Рўй бераётган ўзгаришлар, албатта, фуқароларимизни фаолликка рағбатлантирмоқда. Кўпгина юртдошларимиз олис жойлардан келиб овоз беришди.

Муддатидан олдин овоз бериш жараёнининг қатнашчилари кўчма сайлов участкаси фаолиятини юқори баҳолашди. Чунки бу кундалик иш ва ўқиш билан банд бўлган ватандошларимиз учун қулай имконият яратди.

**Ватандошимиз Наргиза ИМОНҚУЛОВА (Исроил):**

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар Исроилда истиқомат қилаётган ватандошларимиз томонидан ижобий баҳоланди. Бу эса асло тасодифий ҳол эмас, чунки жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган умумхалқ референдуми чоғида тасдиқлаш асносида мамлакатимиз Асосий Қонунини, яъни янгиланган Конституцияни Ўзбекистон фуқаролари қонунларнинг манбаи сифатида эътироф этди. Бу, менинг фикримча, демократия ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш йўлида ташланган муҳим қадам ҳисобланади. Янгиланган Конституция жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини ҳисобга олгани ва том маънодаги халқ Конституцияси эканлиги билан жуда муҳим аҳамият касб этади.

Мен Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўяётганига ишонаман.

9 июль куни бўлиб ўтган Президент сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мантиғига монанд бўлгани ҳолда бугунги ўзбек жамиятининг пойдеворини янада мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан муҳим босқич бўлиб қолади.



**Насиба ПАРДАЕВА, «The International School of Choueifat» мактаби ўқитувчиси (Дубай, БАА):**

— Мен мазкур сиёсий тадбирда иштироким билан ўзим ва фарзандларимнинг келажаги, халқимиз фаровонлиги учун овоз берганимдан, юртимиз равнақи йўлида фуқаролик бурчимни адо этганимдан мамнунман. Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқ ва манфаатлари масаласи биринчи ўринда туриши катта эътиборга моликдир.

**«Дунё» АА.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 655 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6